ЭКИНЛАРНИ ОҚИЛОНА ЖОЙЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИДИР

Республика бўйича жами ер майдони 44 896 900 гектарни ташкил этади.

Жами ерни 20 236 300 гектари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3 988 500 гектарни (шундан 745 минг га лалми), кўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11 028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4 760,4 минг гектарни ташкил қилади.

2019 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1025-сонли “2020 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 2020 йил ҳосили учун олинган таклифларни умумлаштириш натижаларига кўра, Республика бўйича жами 2967538 гектар майдонга ёки 2019 йилга нисбатан 37910 гектар кўп майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириш режалаштирилди (1-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлашувининг 2019 йилга нисбатан ўзгариши.

2020 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, ихтисослашуви, сув таъминоти ва экспорт имкониятлари алоҳида инобатга олинди.

Шу билан бирга 2020 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари, ЁММ, минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик препаратларга бўлган талаби ҳудудлар кесимида ҳисоб-китоб қилинди.

Ушбу қарор лойиҳаси қабул қилиниши орқали:

– Биринчидан 2020 йилда республика ҳудудларининг табиий тупроқ-иқлим шароитидан, сув таъминоти, шунингдек, юқори иқтисодий самарадорликка эришиш, барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини турлари бўйича илмий асосланган мезонлар асосида жойлаштирилиши таъминланади;

– Иккинчидан 2020 йил ҳосили учун барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини белгиланган муддатларда сифатли қилиб экиш ҳамда вегетация даврида агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш учун зарур бўладиган минерал ўғитларни, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини, ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий препаратлар ва уруғлик узлуксиз етказиб берилиши таъминланади. Натижада, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириш имкони яратилади;

– Учинчидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни ишлаб чиқаришга киритиш бўйича ҳисоб-китобларни жойига қўйиш, ерлардан фойдаланиш ва экинларни босқичма-босқич мустақил жойлаштириш масаласида бозор механизмини ҳар томонлама ривожлантириш, натижада ерлардан самарали ва оқилона фойдаланилишига эришилади.



1-расм. 2020 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг жойлашиш кўрсаткичлари.

Жумладан, пахта экини 1033629 гектарга жойлаштирилиб, ўтган йилги ҳажм сақлаб қолинди. 2020 йил ҳосили учун шоли (36865 гектарга), мойли (957 гектарга), сабзавот (543 гектарга) ва озуқа экинлар (39798 гектарга) майдони ўтган йилга нисбатан кўпайтирилган бўлса, дон ишлаб чиқариш ҳажми сақланиб қолган ҳолда буғдойдан ташқари бошоқли дон экинлари (14062 гектарга), дуккакли экинлар (3108 гектарга), картошка экини (3576 гектарга), полиз экинлари (7809 гектарга) ва бошқа экинлар 20555 гектарга кам жойлаштирилди (2-расм).

Республика бўйича ўтган йилга нисбатан интенсив боғлар 2992 гектарга ҳамда токзорлар 7662 гектарга кўп режалаштирилди.

Мавжуд боғ ва токзорлар қатор ораларига 75687 гектар, яъни ўтган йилга нисбатан 18395 гектарга кўп қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилди.

Шунингдек, 777634 гектар майдонга такрорий экинлар, жумладан 44938 гектар асосий майдонга экилган эртаги экинлардан бўшаган ва 732695 гектар бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга жойлаштирилди.

Л.МИРЗАЕВ,
О.СОАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари.